

# AGR IQTISODIYOT



1

2021

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ СТРАТЕГИК РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аслиддин АБДУЛЛОЕВ,

Бухоро Давлат Университети кафедра мудири (PhD)

Зумрат ҚАЙИМОВА,

Бухоро Давлат Университети катта ўқитувчиси

**Аннотация:** Мақолада Олий таълим муассасалари юқори малакали кадрларини тайёрлашнинг сифат даражада ташкил этиш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишлари баён этилди.

**Аннотация:** В статье обозначены приоритеты организации и развития качественной подготовки высококвалифицированных кадров высших учебных заведений.

**Abstract:** The article outlines the priorities for the organization and development of high-quality training of highly qualified personnel of higher educational institutions.

Ўзбекистонда кейинги йилларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жамиятда туб сифат ўзгаришлари ни ҳамда яқин истиқболда барқарор ривожланишни таъминлаш имконини берадиган олий таълим тизимини шакллантиришни талаб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Парламентга Мурожаатномасида [1] олий таълим тизимида таҳсил олиш учун кенг имконият яратишга қаратилган ишларни янада кучайтириш, университетлар нуфузини ошириш, нодавлат таълим масканлари сонини кўпайтириб, соҳага юқори малакали кадрларни жалб этиш ва рақобатни кучайтириш, нуфузли хорижий институт ҳамда университетлар билан ҳамкорликни кучайтириш, олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини янада ошириш, илмий ва илмий- педагог кадрлар тайёрлаш кўламини кенгайтириш муҳим вазифалардан бири эканлиги таъкидлаб ўтилган. Ҳудудларда янги олий таълим муассасаларининг ташкил этилиши, кадрлар тайёрлашнинг замонавий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари, сиртқи ва кечки ўқув шаклларининг очилиши, қабул квоталарининг оширилиши бу борадаги ислоҳотларнинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Таълим тизимида ягона давлат сиёсатини юритиш республикамида таълимни бошқаришнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Фақат юқори даражадаги таълим устуворлиги давлат сиёсатида ҳозирги даврда таълим тизимини бошқаришнинг зарур даражасини таъминлаши мумкин. Бунда таълим устуворлиги фақатгина эълон қилинмасдан, балки аста-секунд сиёсий амалийтга жорий этилиши по-

зим. муаммоларни бартараф этиш, натижада таълим тизимида юртимиз мустақиллиги ва иқтисодини ривожлантириш, ҳалқимизнинг фаровон турмушини таъминлаш мақсадида қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қонуни Ўзбекистонда кадрлар тайёрлашни бошқаришнинг асосий йўналишлари билан чамбарчас боғлиқдир. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунида таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари келтирилган [7,35–36–б]. Таълимнинг жамиятда туттан ўрни, замонавий таълимни бошқариш, кадрлар тайёрлаш менежменти масалалари кўпгина олимларнинг диссертациялари, монографиялари ва илмий мақолаларида ўрганилган, таҳтил ва баён қилинган.

Мамлакатимиз бозор муносабатларига боскичма-боскич ўтиб бораётган бир вақтда, таълим тизимини ислоҳ қилиш билан бирга, кадрлар тайёрлашнинг юқори даражаларини таъминлашга эришиш, мустақил дунёқараш ва эркин тафаккурга эга бўлган, дунёвий билим ва кўникмаларга, умуминсоний қадриятларга таянадиган ёш авлодни тарбиялашдек доимий устуворликни ўзида мужассам қилган буюк мақсадларга интилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизимида олий таълим – узлуксиз таълим тизимининг мустақил тури бўлиб, унинг мақсади Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий, илмий- техникавий тараққиётини жаҳоннинг ривожланган мамлакатлар даражасида ҳал қи́лувчи, кенг миқёсдаги иқтидор, маънавий ва ахлоқий хислатлар соҳиби бўлган юқори малакали кадрлар ва илмий ходимлар тайёрлашни

**Калит сўзлар:** таълим, олий таълим, юқори малакали кадрлар, рақобатбардошлиқ, олий таълим муассасалари, тараққиёт, сифат

бошқариш, шу- нингдек, ўрта маҳсус қасб-хунар таълими негизида маълумотини чуқурлаштириш ва кенгайтиришга бўлган шахснинг эҳтиёжини ОТМларидан қондиришни бошқаришдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев ўз маъруzasida таълим ва илм-фан, давлатнинг ёшларга доир сиёсатини ва бу борадаги долзарб вазифаларни амалга ошириш ёшларимиз, жамиятимиз ва мамлакатимизнинг келажаги учун стратегик аҳамиятга эга эканлиги- ни таъкидлаб, жумладан шундай дейди: "... Иккинчи вазифа – умумтаълим мактаблари, лицей ва қасб-хунар коллежлари, шунингдек, олий ўқув юртларидаги ўқитиш сифати билан боғлиқ. Замонавий ўқув режа ва услубларини жорий этиш талаб даражасида эмас. Болалар ва ёшларга маҳсус фанлар, мамлакатимиз ва жаҳон цивилизацияси тарихини, хорижий тилларни ва замонавий компьютер дастурларини чуқур ўргатиш вазифалари ҳали сифатли ва тўлиқ ҳолда ечилгани йўқ. Яна бир муаммони ҳал этиш ҳам ўта муҳим ҳисобланади: бу – педагоглар ва профессор-ўқитувчилар таркибининг профессионал даражаси, уларнинг маҳсус билимларидир. Бу борада таълим олиш, маънавий-маърифий камолот масалалари ва ҳақиқий қадриятларни шакллантириш жараёнларида фаол кўмак берадиган муҳитни яратиш зарур" [8]. Шунингдек, бу вазифалар Президентимиз Ш.М. Мирзиёев томонидан эълон қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев ўз маъруzasida таълим ва илм- фан, давлатнинг ёшларга доир сиёсатини ва бу борадаги долзарб вазифаларни амалга ошириш ёшларимиз, жамиятимиз ва мамлакатимизнинг келажаги учун стратегик аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, жумладан шундай дейди: "... Иккинчи вазифа – умумтаълим мактаблари, лицей ва қасб-хунар коллежлари, шунингдек, олий ўқув юртларидаги ўқитиш сифати билан боғлиқ. Замонавий ўқув режа ва услубларини жорий этиш талаб даражасида эмас. Болалар ва ёшларга маҳсус фанлар, мамлакатимиз ва жаҳон цивилизацияси тарихини, хорижий тилларни ва замонавий компьютер дастурларини чуқур ўргатиш вазифалари ҳали сифатли ва тўлиқ ҳолда ечилгани йўқ.

Яна бир муаммони ҳал этиш ҳам ўта муҳим ҳисобланади:

бу-педагоглар ва профессор-ўқитувчилар таркибининг профессионал даражаси, уларнинг маҳсус билимларидир. Бу борада таълим олиш, маънавий-маърифий камолот масалалари ва ҳақиқий қадриятларни шакллантириш

жараёнларида фаол кўмак берадиган муҳитни яратиш зарур" [8]. Шунингдек, бу вазифалар Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан эълон қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг "Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари" да куйидагича белгилаб берилди:

-узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш йўлини давом эттириш, сифатли таълим хизматларига имкониятларни ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрларни тайёрлаш;

-таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, олий таълим муассасаларига қабул квоталарини босқичма- босқич кўпайтириш;

-илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг смарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари хузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш;

-жисмонан соғлом, руҳий ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий нуқтаи-назарига эга, Ватанга содик ёш-ларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараённида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш;

-ўрта маҳсус, қасб-хунар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб қилиш;

-ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда амалга ошириш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом тур-муш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш;

-ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёш оиласалар учун муносаб уй-жой ва ижтимоий-маиший шарт-шароитлар яратиш;

-ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, таълим муассасалари, ёшлар ва бошқа таш-килотларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш [9].

Бу вазифалар Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилинганидан кейин ҳозирга қадар давлатимиз ва ҳукumatimiz раҳбарлари томонидан тарғиб қилиниб ке-

линаётган вазифаларнинг мантиқий давоми бўлиб, соҳа вакиллари ва таълим иштирокчиларининг юртимиз тараққиёти ва ёшларимиз келажагига бефарқ, бўлмаслик масъулиятини ҳис қилишлари гаровидир.

Жаҳон банки маълумотларида берилишича, “Ўзбекистонда бюджет маблағларининг таълимга ЯИМнинг 8%га яқин қисми ажратилиши ду-нёда энг юқори кўрсаткичлардан бири, аммо бу маблағлардан олий таълимга тўғри келадигани ЯИМнинг 0,4%-ини ташкил этиши дунёда энг паст кўрсаткичлардан биридир. Кўпгина таққосланувчи мамлакатларда таълимга ажратилган йиллик бюджет маблағининг 20%га яқини сарфланса, айrim мамлакатларда, масалан, Малайзияда бу ҳисса таълимга ажратилган маблағнинг учдан бир қисмигача боради” [2,с.13]. Башарти, инсоннинг нафақат билим олиши, балки маънавиятли, масъулиятли ҳамда касбий малакаларга эга бўлиши ижтимоий саводсизликни бартароф этишнинг кафолатидир.

Тадқиқот натижаларининг ҳозирги босқичдаги илмий аҳамияти шундаки, Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ўсиш билан олий таълим тизимида тайёрланаётган

юқори малакали кадрлар сони ўртасида ижобий алоқадорлик мавжудлиги аниқланган. Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган хуласалар, тавсия этилган илмий-назарий ишланмалар ва таклифлар келажакда мазкур йўналишларда олиб бориладиган илмий-тадқиқот ишларида манба сифатида хизмат қилиши мумкин. Амалий ва услубий мазмунда келтирилган тавсиялар ва таклифлар ОТМлари рақобатбардошлигини аниқлашда, уларда замонавий интеллектуал билимлар ва салоҳиятга эга, иқтидорли ва рақобатбардош юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва уларни иш билан таъминлашни самарали бошқаришда, фан, олий таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини ўзаро манфаатли шартларда фаoliyat кўрсатишини таъминлашда, олий таълим муассасаларида таълим сифатини баҳолаш ва оширишда, ОТМлари битирувчиларига тоифалашибирлигидан дипломлар ва “Битирувчи талаба(бакалавр)нинг интеллектуал, маънавий ва бошқарувчилик қобилиятлари рейтинги” иовасини тақдим этган ҳолда, талabalарни билимдонроқ ва масъулиятлироқ бўлишга интилишларини самарали бошқариш имконини беради.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси./Г. Халқ сўзи, 2020 йил, 29 декабрь.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлини қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон”. 2017 й.
3. Основные макроэкономические тренды Узбекистана. Информационноаналитический обзор. Институт погнозирования и макроэкономических исследований. Министерство экономики и промышленности. – Ташкент: 2019 г.
4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси “2018 йилда Ўзбекистон республикасининг илмий-техникавий салоҳияти ва инновациялар ривожланишининг кўрсаткичлари”. – Тошкент: 2019 (2019 йил 1 январь ҳолатига).
5. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси “2018 йилда Ўзбекистон республикасининг илмий-техникавий салоҳияти ва инновациялар ривожланишининг кўрсаткичлари”. – Тошкент: 2019 (2019 йил 1 январь ҳолатига).
6. Қаҳҳоров О.С., Адизов Б.И. Олий таълим муассасалари битирувчилари рақобатбардошлиги: тушунчалар, фикрлар, қарашлар.// Жамият ва Бошқарув. 2019. №1 (83). 115-117-бетлар.
7. Усмонов Б.Ш., Рахимов Ф.Х., Дусмухамедова М.Х. Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси ва инновацион ҳамкорлик. – Т.: “Адабиёт учқунлари”, 2017 й. 75 б.
8. Усмонов Б.Ш., Қодиров М.Қ., Элтазаров Ж.Д. Инсон капиталининг шаклланишида таълим ва илм-фаннинг роли. – Т.: “Фан ва технология”, 2015 й.
9. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).